



Тошкент Оқшоми

2017 йил 10 МАРТ, ЖУМА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 48 (13.381)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Ш.М.МИРЗИЁЕВ ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ Г.М.БЕРДИМУҲАМЕДОВНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 6-7 март кунлари давлат ташрифи билан Туркменистонда бўлди.

Анъанавий дўстона ва ўзаро ишонч муҳитида ўтган музокаралар давомида давлат раҳбарлари икки томонлама кенг қўламли ҳамкорликнинг барча жабҳалари, шунингдек, халқаро майдондаги ҳамжиҳатлик масалалари бўйича фикр алмашдилар. Томонлар кўрилган барча масалалар бўйича қарашлар ўхшаш эканлигини таъкидладилар.

Ўзбек томони Туркменистон Президенти Г.М.Бердимухамедовга Туркменистонда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ёрқин хотирасини абадийлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар учун самимий миннатдорчилик билдирди. Давлат раҳбарлари Туркманобод шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросимида иштирок этдилар.

Президентлар муқаддам эришилган келишувлар ва имзоланган икки томонлама ҳужжатларнинг бажариб борилишини муҳокама қилиб, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги давлатлараро алоқалар ривожининг юқори суръатини қайд этдилар. Ўзбек – туркман муносабатларини янги босқичга олиб чиқишга интилган ҳолда, давлат раҳбарлари қардош халқлар ўртасидаги тарихан шаклланган анъанавий дўстона ва ахил қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилувчи Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоладилар.

Томонлар тенг ҳуқуқлилик, ахил қўшничилик, ўзаро фойда, ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини инобатга олиш тамойиллари асосида кенг қўламли ҳамкорликни фаол ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг давом эттиришда ўзаро манфаатдорликдан келиб чиққан ҳолда, икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини, турли даражаларда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиш амалиёти ва ҳамжиҳатликни янада тақомиллаштириш муҳимлигини эътироф этдилар.

Томонлар халқаро майдондаги ҳамкорлик иккала мамлакат манфаатларига мос келишини тан олган ҳолда, халқаро ташкилотлар, энг аввало, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлигини билдирдилар.

Томонлар БМТ Низоми мақсад ва принциплари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига риоя қилиш асосида жаҳонда барқарор ривожланиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, глобал ва минтақавий масалаларни ҳал қилишда ушбу ташкилот ва унинг институти ролини ошириш муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ядро қуроли унинг барча қўринишларида тарқатмаслик режимини таъминлаш бўйича БМТнинг халқаро савб-ҳаракатларига қўмаклашиш мақсадида Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона тўғрисидаги шартнома доирасида ҳамкорликни амалга оширишга тайёр эканлигини билдирдилар.

Давлат раҳбарлари Орол денгизи ҳавзаси экотизимини қайта тиклаш, Оролбўйида ижтимоий-иқтисодий ва экологик ҳолатни яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва минтақада юқори даражада атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш масалаларини муҳокама қилдилар ҳамда Туркменистоннинг Оролни қутқариш Халқаро фондига раислиги доирасида мазкур йўналишда ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканлигини билдирдилар.

Томонлар Оролни қутқариш Халқаро фондига Орол ҳалокати таъсири остида қолган ҳудудларни экологик соғломлаштиришга, шунингдек, минтақа ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қаратилган экологик ва илмий-техникавий лойиҳа ҳамда дастурларни амалга ошириш бўйича минтақа мамлакатларининг биргаликдаги ҳаракатлари учун универсал платформа сифатида қарайдилар.

Давлат раҳбарлари Марказий Осиё трансшегаравий дарёларининг сув ресурслари минтақа халқларининг умумий бойлиги эканлиги ҳамда ўн миллионлаб инсонлар тақдири, бутун минтақа барқарорлиги ва фа-

ровонлиги мазкур ресурслардан адолатли ва оқилона фойдаланишга боғлиқ эканлигини қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари Марказий Осиё трансшегаравий дарёларида янги гидротехник иншоотлар барпо этишни бошқа манфаатдор давлатлар манфаатларига зиён етказмайдиган конструктив ёндашув ва муроа асосида, шунингдек, трансшегаравий таъсирга эга бўлган барча лойиҳаларни ҳолис халқаро экспертизадан ўтказиш ва қўйи оқимда жойлашган мамлакатлар билан келишишни назарда тутувчи БМТ конвенцияларида белгиланган халқаро сув ҳуқуқининг умумэтироф этилган нормаларига мувофиқ амалга ошириш лозимлиги тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватладилар.

Халқаро терроризм, экстремизм, ноқонуний миграция, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, трансмиллий уюшган жиноятчилик ҳамда халқаро хавфсизликка бошқа ҳуруж ва таҳдидлар билан курашишдаги ҳамкорликни ҳам икки томонлама даражада, ҳам халқаро тузилмалар доирасида янада ривожлантириш зарурияти қайд этилди.

Давлат раҳбарлари афғон халқи танлаган ўз мамлакатини сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлини ҳурмат қилган ҳолда, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш, унинг тинч ва ривожланган мамлакатга айланишига қўмаклашишни давом эттиришга тайёр эканлигини таъкидладилар.

Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш стратегик хусусияти касб этишини таъкидладилар.

Шу муносабат билан Томонлар юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни товар айланмасига киритиш, жумладан, ўзаро маҳсулот етказиб бериш тўғрисида 2012 йил 2 октябрдаги битимни амалга ошириш орқали ўзаро савдо ҳамжони янада кўпайтириш ва унинг номенклатурасини кенгайтиришнинг муҳимлигини таъкидладилар.

Президентлар Туркменистонга замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникаларини кенг номенклатурада етказиб бериш соҳасида давом этаётган муваффақиятли ҳамкорликни мамнуният билан қайд этдилар.

Шу ўринда Томонлар Туркменистон ҳудудида мазкур техникаларга ҳизмат кўрсатиш ва уларни эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш бўйича ихтисослашган сервис марказларини яратиш борасидаги келишувларни мамнуният билан қайд этдилар.

Томонлар ташриф давомида имзоланган 2016-2020 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, икки давлат минтақалари ва ҳўжалик юритувчи субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватладилар ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистонда ўтказиладиган кўрғазма-ярмарка тадбирларида иштирок этишларига қўмаклашадилар.

Давлат раҳбарлари 2017 йил январда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссияси ўн учинчи мажлиси якунларини ижобий баҳоладилар. Юқори даражадаги келишувларни ўз вақтида ва сўзсиз амалга оширишни таъминлашда, шунингдек, ўзаро манфаатли ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникациявий соҳаларда янада ривожлантириш бўйича келишилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда комиссиянинг самарали механизм сифатидаги ролини янада қучайтириш зарурияти таъкидланди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг улкан истиқболлари эътироф этилди. Томонлар туризм соҳасида "Йўл харитаси" қабул қилиниши ўзаро туристлар оқимининг ўсиши, шунингдек, иккала мамлакат етакчи туристик операторлари ўртасида узоқ муддатли шериклик алоқалари ўрнатилишига ҳизмат қилишни таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат МИРЗИЁЕВ

2017 йил 6 март, Ашхобод

Президентлар ташқи бозорларга энг қисқа ва самарали чиқишни таъминловчи транспорт ва транзит йўлакларини ривожлантириш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг устувор аҳамиятини қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари икки мамлакат транзит салоҳиятини юксалтиришга имкон берадиган ҳамда Туркменистон орқали Транскавказ транспорт йўлаги билан Жанубий ва Марказий Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига транзит юк ташиш ҳамжонини бир неча маротаба кўпайтиришга қўлай шарт-шароитлар яратадиган "Туркманобод – Фароб" автомобиль ва темир йўл кўприкларининг очилишини юқори баҳоладилар.

Барча иштирокчи давлатларнинг иқтисодий манфаатларига бир хилда мос келувчи "Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Ўмон" халқаро транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича келишувларни амалда таъбиқ этиш муҳимлиги алоҳида эътироф этилди.

Томонлар мазкур транспорт ва транзит йўлагини яратиш тўғрисидаги битимни амалга ошириш бўйича Ишчи қўмитанинг 2017 йил 1-2 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган биринчи мажлисининг аҳамиятини таъкидладилар.

Яратилган қўлай шарт-шароитлар ва икки давлат ҳудудида ташқи савдо юқларини транзит ташишга 2017 йилда ўзаро преференцияларнинг тақдим этилиши транспорт коммуникациялари ва инфратузилмаларини самарали иш юклагаси билан таъминлаш, шунингдек, ташишларни янада ошириб бориш ва қўшимча юк ҳамжонини жалб этишда ташкилотлар учун аниқ ва равшан истиқболларни белгилашга имкон яратиши таъкидланди.

Икки мамлакат ҳудуди орқали ўтадиган халқаро транспорт йўлакларининг рақобатбардошлиги ва жозибадорлигини ошириш мақсадида Томонлар ташқи савдо юқларини транзит ташиш тарифларини янада мақбуллаштириш ва преференциал шарт-шароитлар тақдим қилишга йўналтирилган тизимли ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон икки давлат халқлари ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, қардошлик ва ҳамкорликни сақлаш ва мустаҳкамлашда ўзаро тарихий масъулиятини англаган ҳолда, маданият, илм-фан, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда икки томонлама алоқаларни янада чуқурлаштириш ва мустаҳкамлашга содиқ эканлигини таъкидладилар. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркменистон Ҳукумати ўртасида маданий-гуманитар соҳада 2014-2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш натижалари ижобий баҳоланди ҳамда 2017-2019 йилларга мўлжалланган тегишли дастурни имзолаш топширилди.

Томонлар бундан буён ҳам икки давлат ҳудудида истиқомат қилувчи ўзбек ва туркман диаспоралари учун она тили, миллий маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ривожлантириш масалаларида қўлай шароитлар яратиб берадиган, ўз давлати ҳудудидаги бошқа Томон фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича барча зарур чора-тадбирларни амалга оширадилар.

Давлат раҳбарлари бўлиб ўтган самарали музокара, шунингдек, ташриф давомида имзоланган икки томонлама ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида тенглик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган анъанавий дўстона ва ахил қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилишига ишонч билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Туркменистон Президенти Г.М.Бердимухамедовга ва барча туркман халқига ўзбек делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик ва илқ қабул учун миннатдорчилик билдирди ҳамда Туркменистон Президентига ўзи учун қўлай бўлган вақтда Ўзбекистон Республикасида давлат ташрифи билан бўлишни таклиф қилди. Ташриф муддатлари дипломатик каналлар орқали келишилади.

Туркменистон Президенти
Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши томонидан "Қўлай бизнес муҳити – тadbirkorlik tashabbuslarini amalga oshirishning muhim omili" mavzusida davra suxbati otkazildi. Tadbirga partiya faollari tomonidan joylarda aniqqlangan qator kamchiliklar, kutarilgan muammolar echimi yuzasidan zarur chora-tadbirlar ishlab chiqish, muammolarni bartaraf etish buyicha fikr almashildi.

● Namanganda "GS1 Xalqaro standartlar tizimi, tushunchasi va uning afzalliklari" mavzusida seminar b'lib o'tdi. GS1 Uzbekistan uyushmasi va Ўzbekiston Savdo-sanoat palatasi Namangan viloyati hududiy boshqarmasi hamkorligida tashkil etilgan tadbirga ta'lim muassasalarining tegishli mutaxassislari, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlari hamda oziq-ovqat, kimy, farmatsevtika sanoati va boshqa ishlab chiqarish sohalari vakillari ishtirok etdi.

● Farqona politexnika institutida kitobxonlar bayrami b'lib o'tdi. Viloyat hokimligi va Axbad Farqoniy nomidagi viloyat axborot-kutubxona markazi hamkorligida tashkil etilgan tadbirga davlat va jamoat tashkilotlari, ta'lim muassasalari vakillari, olimlar, e'zuvchi va shoirlar, talaba-eshlar ishtirok etdi.

ЖАҲОНИДА

● Хитойлик мутахассислар 2018 йилга қадар янги, ўта кучли компьютерни яратишмоқчи. Мутахассисларнинг сўзларига қўра, Tianhe-3 номли ушбу компьютер дунёдаги энг кучли компьютер бўлади. У 2016 йилнинг ноябрида энг зўр компьютер деб маълум қилинган – "Sunway TaihuLight" ускунасидан ўн маротаба тезроқ ишлайди.

● Ҳиндистоннинг Нью-Дели шаҳридаги хусусий такси компанияларидан бири Халқаро хотин-қизлар байрами кунини тонгидан хотин-қизлар учун қўтилмаган совға тайёрлади. Чунончи, байрам муносабати билан компания таксичилари кун бўйи аёлларга бепул хизматни йўлга қўйди. Бундан ташқари, таксига ўтирган мижоз аёлларга тушаётганида гул ҳам совға қилинди.

сионерларни қўллаб-қувватлаш юзасидан қўшимча имтиёз яратиш топшириги берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 мартдаги Тошкент метрополитенида пенсионерларни бепул ташиш тўғрисидаги қарори билан отахону онахонларнинг мазкур транспорт хизматида имтиёзли фойдаланишининг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Унга мувофиқ, метрополитен кассаси операторига пенсия гувоҳномаси кўрсатилгандан кейин бир марталик махсус жетон тақдим этилади. Мазкур жетон билан пенсионер алоҳида ажратилган турникетдан ўтади.

– Таъкидлаш керакки, пенсия гувоҳномасига эга бўлган мамлакатимизнинг барча фуқаролари бу имтиёздан фойдаланишлари мумкин, – дейди ЎЗА муҳбирига "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бoshqaruvi раисининг ўринбосари, "Тошкент метрополитени" унитар корхонаси раҳбари О.Худойкулов. – Яратилган янги қўлайлик кексаларимизнинг мазмунли ҳаёт кечиришлари ва ҳордиқ чиқаришларига муносиб ҳисса қўшади.

Б.БОЗОРОВ

11-12 март – умумхалқ хашари кунин



АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

11-12 МАРТ КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИГАН УМУМХАЛҚ ҲАШАРИДА БАРЧАМИЗ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИБ, ШАҲРИМИЗНИ ЯНАДА ГЎЗАЛ ВА ОБОД ҚИЛИШГА ЎЗ ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАЙЛИК!

Кексалари қадр топган юрт

МЕТРОПОЛИТЕН ХИЗМАТИ ПЕНСИОНЕРЛАР УЧУН БЕПУЛ БЎЛАДИ

2017 йилнинг 15 мартидан бошлаб пенсионерлар Тошкент метрополитени хизматидан бепул фойдаланиши мумкин. Ушбу имтиёз ҳар кунин соат 10.00 дан 16.00 га қадар амал қилади. Бу ҳақда пойтахт ҳокимлигида ўтказилган брифингда маълум қилинди.

Мамлакатимизда кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлашни тақомиллаштириш, ёши улуг инсонларга давлат хизматлари кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида бу борадаги ишларни изчил давом эттириш, тинч ва обод ҳаётимизни барпо

этишга ҳизмати сингган, хонадонларимизнинг фазли бўлган кексаларимизнинг муносиб умр кечириши учун яратилаётган қўлайликларини янги босқичга кўтариш бўйича қатор режа ва мақсадларни баён этган эди.

Президентимиз Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда барча пенсионерларга Тошкент метрополитени хизматларидан ҳар кунин соат 10.00 дан 16.00 гача бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилиши тўғри-

сида таъкидлаганди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 январдаги Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги қарориди Молия вазирлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли "Тошкент метрополитени" унитар корхонаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги пен-

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

ОЗОДАЛИК ВА
БАРАКА – ЭГИЗАК

Хиёбонтепалик 77 ёшли Адҳам Умархўжаевнинг ажойиб одати бор. Ҳут шамоли эса бошлаши билан ота ёнига маҳалла фаолларидан бир-икки нафарини олиб, ҳудуднинг табиий ҳолатини, дов-дарахтларни кўздан кечирилади. Қайси дарахтга қандай ишлов бериш, қуриган шох-шаббаларни буташ, янги ниҳоллар экиш бўйича ёшларга йўл-йўриқ кўрсатади.

Ота одатини бу йил ҳам қанда қилмади. Куни кеча маҳаллада ўтган ҳашарга бош-қош бўлди. Ҳашарчилар саъй-ҳаракати билан ҳовли-жойлар, кўп қаватли уйлар, маҳалла гузари атрофи тозаланиб, чиқиндилар ташиб кетилди. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Кўчалар, аҳоли яшаш ҳудудларидаги бўш ерлар гул экишга тайёрланди.

Хиёбонтепа пойтахтимизнинг Юнусобод туманида, Бўзсув канали ва Шаҳидлар хотираси хиёбонига туташ ҳудудда жойлашган маҳалла. Тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қиладиган маҳалла аҳли ҳудуднинг ноёб табиий имкониятини ўзгача қадрлайди.

– Ҳудудларнинг тозаллиги, озодаллигини таъминлаш, яшил майдонларни кенгайтириш саломатлик омилдир, – дейди Адҳам Умар-

хўжаев. – Шу мақсадда тез-тез оммавий ҳашар уюштирилади. Дов-дарахтларни асраш, кўпайтириш, ҳовли-жойлар, кўп қаватли уйлар атрофидаги бўш ерлардан унумли фойдаланиб, экологик муҳитни яхшилашга ўз ҳиссамизни қўшамиз. Ҳовлиларда манзарали дарахтлар билан бир қаторда олма, анор, гилос, ёнғок каби мевали дарахтлар парваришланади. Ҳар баҳорда янги ниҳоллар экиш, фарзандларни ҳам бу анъаналарнинг давомчиси этиб тарбиялашга эътибор қаратамиз.

Қишнинг изғиринли кунлари чекиниб, кўклам шамоли эса бошлаган шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудлари, маҳаллалар, қишлоқларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизгин тус олган.

Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамасининг 2017 йил 2 мартдаги фармойиши асосида бундай ишлар кенгаётир. Мазкур фармойиш асосида март-апрель ойлари юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилинди.

11-12 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб умумхалқ ҳашари ўтказиш режалаштирилган. Ҳашарга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Бу ишлар ҳудудларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш, Наврўз байрамини азалий қадриятларга мос тарзда нишонлаш, халқимизнинг асрлар оша боқий яшаб келадиган миллий анъаналари бардавомлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётди.

– Маҳалламиз ҳудудига юз тупдан кўпроқ дарахт ва гул кўчатла-

ри экишни режалаштирганмиз, – дейди ЎЗА муҳбирига “Хиёбонтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зафар Имомов. – Гул ва райхонларнинг бир неча турларини экамиз. Каштан, қарағай, арча каби манзарали дарахтлар ҳудуд кўрқига кўрк қўшиши баробарида, тоза ҳаво манбаидир. Мевали дарахтлар тўқинлини таъминлайди. Ўтган йилларда экилган шундай ниҳоллар ҳосилидан бугун баҳраманд бўлмоқдамиз.

Маҳалла гузарига мўъжазгина боғ барпо этилган. Ўттиз сотихга яқин майдонда яшнаб турган арчалар кўзини қувнатади. Мевали дарахтлар ҳадемай гуллаб, теваккатофга ажиб бўй таратади. Бу ерда ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда.

Б.ХИДИРОВА

ДЎСТ БОШГА ИШ ТУШГАНДА
БИЛИНАДИЎЗБЕКИСТОН ТОЖИКИСТОНГА
ИНСОНПАРВАРЛИК
ЁРДАМИ КЎРСАТДИ.

2017 йилнинг дастлабки ойлари Тожикистон учун ниҳоятда серёғин келди. Пировардида январь-февраль ойларида мамлакатнинг тоғли ҳудудларида катта қор кўчкилари рўй берди. Бундай аянчли ҳодиса бутун мамлакат ҳудудидида 500 маротабадан зиёд қайд этилди. Афсуски, табиий офат оқибатида нафақат иқтисодий зарар кўрилди, балки қор кўчкилари инсонларнинг ҳалок бўлишига ҳам олиб келди.



Тожикистоннинг яқин қўшниси ҳамда биродар давлат бўлган Ўзбекистон табиий офат оқибатларини бартараф қилишга кўмак кўрсатиш юзасидан ушбу мамлакат ҳукуматининг мурожаатига биринчилардан бўлиб муносабат билдирди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига мувофиқ, қисқа муддатда 60 тоннадан зиёд ҳажмдаги инсонпарварлик ёрдами юклари ҳозирланди ва Тожикистонга юборилди.

Озёқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ҳамда тиббиёт бўюмлари, қурилиш материаллари, кўмир, иссиқ кийим ва биринчи эҳтиёж учун зарур бўлган бошқа товарлардан иборат инсонпарварлик ёрдами ортлган юк машиналари 7 март куни эрта тонгда Тожикистон билан чегарадош бўлган Сурхондарё вилоятининг Узун туманига етиб келди.

Бу ерда республикамиз делегациясини Узун тумани ҳокимлиги вакиллари, таълим муассасалари ходимлари, ёшлар ҳамда меҳнат факрийлари кутиб олди. Улар Ўзбекистон раҳбарияти қўшни мамлакатга ёрдам кўрсатиш юзасидан ўз вақтида қарор қабул қилгани ва бу ташаббуснинг долзарб эканлигини қайд этишиб, делегация аъзоларига оқ йўл тилаб қолдилар.

“Сариосиё” чегара пунктдан ўтганидан сўнг Ўзбекистон делегацияси Тожикистоннинг чегара ҳудудидида жойлашган Турсунзода шаҳрига етиб келди. Мамлакатимиз делегациясини Тожикистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар кўмитаси раиси Рустам Назарзода, мамлакатнинг қатор вазирлик ҳамда идоралари вакиллари, Ўзбекистоннинг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шоқосим Шоисломов кутиб олди. Тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганидан сўнг инсонпарварлик юклари ортлган машиналар карвони пойтахт шаҳар – Душанбеге қараб йўл олди.

Мазкур юклар Душанбедаги белгиланган манзилга етказилгач, журналистлар учун қисқача брифинг бўлиб ўтди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари олдида сўзга чиққан юртимиз делегацияси раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари Комил Арипов мамлакатимизнинг бу кўмаги қўшни давлатга қийин вазиятларда кўрсатилган биринчи инсонпарварлик ёрдами эмаслигини, бундан бир неча йил муқаддам ҳам республикамиз Тожикистонга қурилиш материаллари, дори-дармон, озёқ-овқат ҳамда бошқа товарлардан иборат инсонпарварлик юкларини тақдим қилганини қайд этди. К.Арипов таъкидлаганидек, бу Ўзбекистоннинг минтақадаги қўшниларига ёрдам қўлини чўзишига ҳамда тайёр эканлигидан далolat беради.

Ўз навбатида, Тожикистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар кўмитаси раиси Рустам Назарзода табиий офатдан жабрланганларга кўмак кўрсатиш юзасидан Душанбе минтақасининг қатор давлатларига ҳамда халқаро ташкилотларга мурожаат қилганини билдирди. Унинг айтишича, Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўз қўшнисига ёрдам қўлини чўзди.

– Тожикистон ҳукумати номидан ўз вақтида кўрсатилган мазкур ёрдам учун Ўзбекистон ҳукумати ва раҳбариятига миннатдорлик билдираман, – дея баёнот берди Р.Назарзода. – Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда бошқа идораларининг жонкуярлиги туфайли инсонпарварлик юклари Тожикистонга ўз вақтида етказиб берилгани алоҳида эътирофга сазовордир. Қадрли ўзбек дўстларимиз, раҳмат сизларга!

Ш.ТУРҒУНБОВЕВ,

“Жаҳон” АА махсус муҳбири
Тошкент – Душанбе – Тошкент
(Муаллиф олган сурат)

Мирзо Улуғбек тумани
ҳокимининг
ҚАРОРИМИРЗО УЛУҒБЕК
ТУМАНИДА 2017 ЙИЛДА
ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН
ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўлаими, 1999 й., 7-сон, 40-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўлаими, 2002 й., 5-6-сон, 46-модда) 353-сон қарори ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларни вақтинча иш ҳақи олиш ва иш қидираётган даврда уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан “ишсиз” деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитларни яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш марказининг 2017 йил 16 февралдаги 205-сон хати билан берилган таклифни инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Мирзо Улуғбек туманида 2017 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.
2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига: иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин; жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳаражатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан; бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин; туман Бандликка кўмаклашиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кунлик муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.
3. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Н.Норбаев): корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин; ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.
4. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимининг 2016 йил 19 январдаги “Мирзо Улуғбек туманида ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги 32-сон қарори бекор қилинганлиги инобатга олинсин.
5. Мазкур қарор “Тошкент оқшони” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.mirzoulugbek.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.
6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қўчга қиради.
7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Валиев зиммасига юклатилсин.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокими
Ш.Кудбиев

2017 йил 28 февраль

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

БАҲОР ВА ГЎЗАЛЛИК
ТАРОНАЛАРИ ЯНГРАДИ

Пойтахтимизнинг “Туркистон” саройида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан “Эътибор ва эҳтиром ифодаси” деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

Байрам муносабати билан ташкил этилган тадбирда ички ишлар тизимида фаол меҳнат қилаётган соҳа ходимлари, фахрийлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.Азизов тадбирни қириш сўзи билан очар экан, ички ишлар идораларида эркаклар билан елкама-елка туриб, элу юрт оёқсизчилиги йўлида хизмат қилаётган хотин-қизларни гўзаллиқ, нафосат байрами билан мубораққод этди. Жумладан, истиқлол йилларида юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва макенини, ҳаётдаги нуфузини янада юксалтиришга алоҳида аҳамият берилганлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлади.

Бугунги кунда ички ишлар органларининг жиноят қидирув, тергов, шахсий таркиб билан ишлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги, қорлов қўшинлари бош бошқармалари, эксперт-криминалистика хизматлари, ахборот маркази, тиббиёт ва молия-иқтисод бўлимларида минглаб хотин-қизлар она Ватанимиз тинчлиги ва оёқсизчилигини таъминлашда сидқидилдан хизмат қилиб келаётди.

– Президентимиз томонидан хотин-қизларга кўрсатилган юксак эҳтиром ва ғамхўрлик биз аёлларга гайрат ва шижоат бағишлаш билан бирга, ишчимизга масъулият билан ёндашиш илашга даъват этади. Зеро, турмушимиз ободлиги ва фаровонлиги, жамиятимиздаги ҳамжихатлик ва оёқсизчилик қўл жиҳатдан хотин-қизларга боғлиқ.

Байрам тадбирида Шўҳрат Воҳидов, Дилноза Исмиёминова, Ботир Қодиров, Даврон Аҳмедов каби кўпбалли алимиз ардоқлаган санъаткорлар томонидан янграган дилрабо куй ва қўшиқлар, дилбар реқслар, Ўзбекистон халқ шoirи Сиро-жиддин Саййид томонидан ўқилган шеърлар, сўз усталарининг қизқарли чиқишлари байрам иштирокчиларига бирдай манзур бўлди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

АҲОЛИ БИЛАН ОЧИҚ
МУЛОҚОТ

Ана шундай учрашувлардан бири Учтепа туманидаги Журжоний маҳалласида бўлиб ўтди. Унда суд ижро департаменти, ички ишлар, Тошкент шаҳар прокуратураси вакиллари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар оилалар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар, ниҳолларни бекор қилиш ҳолатлари, алимент тўловлари тўлашда содир бўлаётган муаммолар, сабаб ва оқибатларига тўхталиб ўтишди.

– Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси туман бўлими иш юритишда 20 мингдан ортиқ алимент билан боғлиқ ижро ҳужжатлари мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш бўйича мунтазам ишлар олиб борилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи Абдуқодир Донаев. – Алимент тўловларини тўлашдан бўйин товланган шахсларга нисбатан Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан 2016 йилда 306 та жиноят иши кўзгатилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган. Ҳозирги кунда бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф қилиш мақсадида профилактика ишларини қучайтирмоқдамиз.

Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг бўлим бошлиғи Садриддин Хидировнинг таъкидлашича, Тошкент шаҳар Суд ижро департаментга ўтган йил давомида турли мавзуларда 1705 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 770 таси алимент ундируви билан боғлиқдир. Шу йилнинг ўтган икки ойи ичида айнан ўз боласига қасддан алимент тўламаётган шахслар устидан 38 та ҳолатда жиноят иши кўзгатилибди.

Тадбирда маҳалла фаолларига ажримларнинг олдини олиш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича ҳамжихатликда ишлар олиб бориш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Яккасарой туманидаги 135-умумтаълим мактабидаги учрашувда Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими, туман ички ишлар бошқармаси, Суд ижро департаменти, Яккасарой тумани прокуратураси вакиллари иштирок этишди.

– Таълим даргоҳимизда 700 дан ортиқ ўқувчилар таълим-тарбия олади, – дейди 135-мактаб директори ўринбосари Саодат Норқолинова. – Мактабимизда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида 17 та фан, 12 та спорт тўғрақлари ташкил этилган. Ундан ташқари ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғурур, миллий ифтихор, меҳнатсевар инсон қилиб тарбиялаш мақсадида турли хил тадбирлар, давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ҳамкорликда очик мулоқотлар ўтказилмоқда. Бугунги учрашувда Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Ф.Турсунов, Яккасарой туман ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бўлими бошлиғи Р.Турсунов, туман прокуратури катта ёрдамчиси Б.Султоновлар ўқувчиларга диний экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатлари, унга қарши кураш бўйича қўрилайётган чоралар, жиноятга жазо муқаррарлиги, мактаб ўқувчисининг юриш-туриши, одоб қоидалари бўйича тушунчалар бердилар.

Тадбир сўнггида диний экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

3. ШАРИФЖОНОВ

ХАФТАЛИК

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Ўзбекистон

06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Олий қадрият".
07.20 "Ватанпарвар".
08.00 "Тахлилнома".
08.40 Миллий сериал: "Опас-сингиллар".
09.20 Анонс.
09.35 "Агроолам".
